



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 64 (12.625)

Баҳоси эркин нархда

Ёшларга оид давлат сиёсати — амалда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



КОЛЛЕЖ БИТИРУВЧИСИ — ТАЙЁР МУТАХАССИС

Мухлиса республика дизайн коллежида ўқиб юрган кезларида мутахассислиги бўйича ишга жойлашишни, ҳаётда ўз ўрнини топишни орзу қиларди.

Мамлакатимизда ёшлар ўртасида бандлиқни таъминлашга қаратилган эътибор самарасида ўтган йили касб-хунар коллежларининг 500 минг нафардан ортиқ битирувчиси ишга жойлашди. Улар ўқиш давридаёқ аниқ иш ўрнига бириктирилгани, амалиётни ўша ерда ўтагани бунда муҳим омил бўлди.

Шундай ёшлар сафида тошкентлик Мухлиса Ёқубова ҳам Яккасарой туманидаги «Be Cose Textile» масъулияти чекланган жамияти тикув цехига ишга кирди. Илк ойлик маошини олганида ҳаётда ўз ўрнини топангидан боши кўкка етди. Ота-онаси ундан ҳам кўпроқ севинди.

— Фарзандининг камолтини кўриш ҳар бир ота-она учун катта бахт, — дейди Мухлисанинг отаси Олим Ёқубов. — Мамлакатимизда ёшларнинг соғлом ва баркамол бўлиб вояга етиши, замонавий билим ва касб-хунарларни эгаллаши учун

яратилган шарт-шароит натижасида биз ана шундай бахтга муяссар бўламиз. Яқинда Президентимизнинг ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган яна бир қарори қабул қилинди. Биз, ота-оналар бундан жуда-ям хурсанд бўлдик.

Ёшлар бор жойда янгиланиш, ривожланиш бўлади. Асосан ёшлардан таркиб топанг «Be Cose Textile» масъулияти чекланган жамияти ҳам тобора ривожланиб бормоқда. «Ипак йўли» банкдан олинган 500 миллион сўмлик имтиёзли кредит эвазига жамият цехларига янги технологиялар ўрнатилди. Натижада маҳсулот сифати яхшиланиб, ишлаб чиқариш ҳажми янада ошди.

— Ҳар бир раҳбар юқори касб малакасига эга, тайёр кадрларни ишга олишни хоҳлайди, — дейди жамият директори Хасан Ёқубов. — Шу мақсадда энгил са-

ноат ва дизайн йўналишидаги касб-хунар коллежлари билан ҳамкорликни йўлга қўйганмиз. Замон талаблари асосида таълим олиб, ўқишни амалиёт билан мустақамлаётган ёшлар тайёр мутахассис бўлиб сафимизга қўшилмоқда. Уларнинг билими, куч ва ғайрати корхонамиз фаолиятига ижобий таъсир кўрсатаётди.

«Be Cose Textile» масъулияти чекланган жамиятида бундай ёшлар талайгина. 2013 йилда корхонага касб-хунар коллежини тамомлаган ўн нафар, жорий йилнинг бошида эса яна уч нафар ёш ишга жойлашди. Юз нафарга яқин хотин-қиз меҳнат қилаётган корхонада илгирмага яқин турда трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда.

Жамият раҳбарияти жорий ўқув йили якунида яна кўплаб коллеж битирувчиларини ишга жалб этиш, уларга таъиниб ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш ниятида.

Даврон СУННАТОВ,
ЎзА мухбири
Ўқинг Шамсиддинов (ЎзА)
олган сурат

ЎЗБЕКИСТОН «FOODEX JAPAN-2014» ХАЛҚАРО КЎРГАЗМАСИДА

Яқинда мамлакатимиз вакиллари Япониядаги «Foodex Japan-2014» озиқ-овқат ва ичимликлар халқаро кўргазмасида иштирок этдилар. Тадбирнинг Ўзбекистонга ажратилган бўлмасида мамлакатимиз асаларичилик хўжалиқларининг ҳар хил шифобахш маҳсулотлари намойиш қилинди.

Алоҳида қайд этиш жоизки, ушбу халқаро кўргазмада қуёшли Ўзбекистон маҳсулотларига катта қизиқиш мавжуд эканлиги аён бўлди. Буни мамлакатимизга ажратилган бўлманинг халқаро тадбир иштирокчилари ва меҳмонлари билан жуда гавжум бўлганидан ҳам билиш мумкин эди. «Жаҳон» ахборот агентлиги муҳбири уларнинг айримлари билан суҳбатда бўлди.

Япония ташқи савдо ташкилотининг Халқаро савдо ярмаркалари департаменти директори Кенджиро Ватанабэ қайд этганидек, Ўзбекистон вакиллари халқаро «Foodex Japan-2014» кўргазмасида иштироки Япония ва хорижий мамлакатлар компанияларига мамлакатингизда етиштирилган тоғ асали, пахта боли, водий асали сингари юқори сифатли маҳсулотлар билан бевосита танишиш учун жуда қулай имкониятни яратди. У Ўзбекистонда асаларичилик ривожланишининг салоҳиятига юқори баҳо берар экан, мамлакатимиз асаларичилик хўжалиқлари фаолияти билан яқиндан танишиш ва ўзаро ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш билан боғлиқ масалаларни муҳокама этиш мақсадида Ўзбекистонга бориш ниятида эканлигини маълум қилди.

Кўргазма меҳмони Хана Тояма ҳам Ўзбекистондан келтирилган асаларичилик маҳсулотлари ўзининг юқори сифати, бетақор таъми ва табиийлиги билан бошқаларидан ажралиб турганини таъкидлади. «Ўзбекистон маҳсулотлари бундай сифат кўрсаткичлари билан япон истеъмолчилари ўртасида катта талаб қозониши мумкин, деди у. Чунки Ўзбекистон асаларичилигининг ривожланиши учун жуда мақбул бўлган табиий-иқлимий шарт-шароитларга эгадир».

«Жаҳон» АА

Пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида Ўзбекистон ва Сингапур ишбилармон доираларининг бизнес-форуми бўлиб ўтди.

га қаратилган имтиёз ва кафолатлар тизими чет эллик ишбилармонларнинг ҳамкорликка қизиқишини тобора ошираётгани таъкидланди. Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 10 апрелда қабул қилинган «Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони бу бора-

зонаси, «Ангрен» ва «Жиззах» иқтисодий зоналарида яратилган қулайлик ва имкониятлар тўғрисида маълумот берилди.

— Ўзбекистонда бизнес юритиш учун кенг имкониятлар, қулай сармоявий муҳит яратилганига гувоҳ бўлдик, — дейди «JA International Group of Companies» компанияси бошқаруви директори Жафаир Голи Каннан. — Бизнес-консалтинг йўналишига иxtисослашган компаниямиз бизнесни яхшилаш, бу борадаги самарадорликни ошириш соҳасида иш олиб боради. Ўзбекистондаги турли тармоқларда фаолият юритувчи компаниялар билан ҳамкорлик ўрнатиш ва уни ривожлантиришдан манфаатдормиз.

Тадбирда Ўзбекистон билан Сингапур ўртасида иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни янада ривожлантиришнинг истиқболли йўналишлари ҳақида сўз юритилди. Савдо-сармоя, энергетика, кимё саноати, соҳилиш материаллари ишлаб чиқариш, машинасозлик, электр техникаси, кўнчилик каби соҳалардаги алоқаларни янада кенгайтириш, бу йўналишларда биргаликда икки томон учун ҳам фойдали сармоявий лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди.

Бизнес-форум доирасида Ўзбекистоннинг қатор компания ва корхоналари ҳамда Сингапур ишбилармон доиралари вакиллари иштирокида кооперацион биржа бўлиб ўтди.

Ирода УМАРОВА,
ЎзА мухбири

ЎЗБЕКИСТОН — СИНГАПУР БИЗНЕС-ФОРУМИ

даги ишларни янги босқичга кўтаришда муҳим омил бўлаётди.

— Делегациямиз таркибида саноатнинг турли тармоқларида иш олиб борадиган компаниялар раҳбарлари бор, — дейди «Grandluxe Pte Ltd» компанияси бошқаруви директори Перси Чан. — Бу Сингапур ишбилармонларининг Ўзбекистон билан истиқболли ҳамкорликни ривожлантиришга қизиқиши юқори эканидан далолатдир. Мазкур бизнес-форум ўзаро савдо-иқтисодий алоқаларни янада ривожлантиришга, ҳамкорликнинг янги имкониятларини кашф этиш ва бизнес борасида тажриба алмашишга хизмат қилади.

Анжуманда меҳмонларга мамлакатимизда бизнесни ривожлантириш йўлида амалга оширилаётган чора-тадбирлар, «Навоий» эркин индустриал



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Самарқанд вилоятидаги Марказий ҳарбий округ сержантлар тайёрлаш мактаби битирувчиларига сертификат ва сержантлик кўрак нишонлари топширилди.

• Андижон вилоятида академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари ўртасидаги фанлар олимпиадасининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда вилоятдаги 12 академик лицей ва 117 касб-хунар коллежининг 1034 нафар ўқувчиси 14 умумтаълим фани бўйича ўз билим ва иқтидорини синовдан ўтказди.

• Термиз шаҳрида «Ёш чегарачилар» ҳарбий-ватанпарварлик мусобақасининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда Термиз шаҳри ва туманлардаги касб-хунар коллежлари ўртасида ўтган саралаш босқичларида ғолиб чиққан жамоалар ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, биринчи тиббий ёрдам, тарих, инглиз тили каби ўн етти йўналиш бўйича ўз билим ва маҳоратини намойиш этди.

• Андижон шаҳрида «Ўзбекистон — умумий уйимиз» шиори остида дўстлик фестивали бўлиб ўтди. Миллий марказлар қошида ташкил этилган халқ ансамбллари, ҳаваскорлик ансамбллари ва бадий жамоаларнинг чиқишлари барчага манзур бўлди.

• Бухорода Халқаро саноат ярмаркаси ва кооперация биржасининг ҳудудий босқичи бўлиб ўтди. Ип-калава, мебель, озиқ-овқат, тўқувчилик ҳамда тикувчилик моллари, тозалаш воситалари, болалар пойабзали, пластик қопламалар, дори-дармонлар, тежамкор иситиш қозонлари каби 35 турдаги янги маҳсулотлар намойиш этилди.



• Гонконгда кучли шамол эсиб, жала ва дўл ёғиши бир қанча талафотларга сабаб бўлди. Жумладан, пастликда жойлашган айрим ҳудудлар ҳамда иккита метро бекатини сув босди, кўплаб дарахтлар кулаб тушди, савдо марказларидан бирининг ойнадан ишланган томи дўл таъсирида синиб тушди. Чунки дўлнинг баъзилари ҳатто гольф тўпига тенг катталиқда эди. Гонконг халқаро аэропортида ўнлаб парвозлар кечиктирилди. Шамолнинг кучлигидан портда турган контейнерлардан 20 таси ағанаб кетган.

• Сирли равишда ғойиб бўлган, Малайзиянинг «Malaysia Airlines» авиакомпаниясига қарашли «Boeing 777-200» русумидаги йўловчи самолётини қидириш ишлари ҳанузгача натижа бергани йўқ. Хинд океани ҳудудида олиб борилаётган мазкур тадбирда Австралия, Хитой, Малайзия, АҚШ, Жанубий Корея ва Япониянинг ўнта самолёти ҳамда саккизта кемаси иштирок этмоқда.

• Женевадаги қимматбаҳо буюмларни сақловчи «Maica-Amit» компаниясида қиймати 50 миллион АҚШ долларига тенг пушти рангли бриллиантнинг йўқолиши катта шов-шув келтириб чиқарди. Оғирлиги 50,66 каратга тенг ушбу тошни бизнесмен Силла Муса 2007 йилда «Maica-Amit»га сақлаш учун топширган.

ҚИСКА САТРАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **КЕЧА** Яккасарой туманидаги Тошкент Тўқимачилик ва энгил саноат институти қоши-

даги академик лицейда «Шунқорлар» ҳарбий-спорт мусобақаси ўтказилди.

✓ **БУГУН** Ҳамза туман Маданият ва аҳоли дам олиш

марказида «Диний эътиқод эркинлиги ва инсонга ёт иллатлар» мавзусида маънавий-маърифий давра суҳбати бўлиб ўтди.

✓ **ЭРТАГА** Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонасида «Китобсевар сардорлар» лойиҳаси бўйича тадбир ташкил этилади.

9-10 апрель кунлари пойтахтимиздаги «Ўзқўрғазмасавдо» мажмуасида «BankExpo-2014» банк-молия тизими технологиялари, асбоб-ускуналари ва хизматлари еттинчи миллий кўрғазмаси бўлиб ўтади. Ушбу кўрғазма олдидан Республика банклар ассоциациясида матбуот анжумани ташкил этилди.

БАНК-МОЛИЯ ТИЗИМИНИНГ СЎНГГИ ЮТУҚЛАРИ АКС ЭТАДИ

Банк-молия тизими технологиялари кўрғазмаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар ҳамда Ахборот ва коммуникация технологиялари қўмиталари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ахборот технологиялари корхоналари ва ташкилотлари ассоциацияси, шунингдек, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда Республика Марказий банки томонидан ўтказилади.

Президентимиз раҳнамолигида банк-молия соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар натижасида республикамиз банкларида мижозларга хизмат кўрсатиш тизими ривожланди. Соғлом рақобат муҳити шаклланиб, бугунги кунда банкларимиз жаҳон стандартларига тўла жавоб берадиган даражада хизмат кўрсатаётди. Айни шу жиҳатлар туфайли республикамиз банк тизими ривожланиш истиқболлари халқаро рейтинг компаниялари томонидан «барқарор» деб баҳоланмоқда.

Бугунги кунда тижорат банкларининг кенг оммага, бизнес тузилмаларига қўйиш лозим бўлган хизматлари қўлайиб бормоқда. Банкларнинг амалдаги опера-

циялари ва хизмат турлари сифат жиҳатидан такомиллашди. Кичик тадбиркорлик тузилмаларини кредитлаш тартиби соддалаштирилди, банк иши соҳасида тадбиркорлик субъектларига руҳсатнома бериш тартиби эркинлаштирилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 26 ноябрдаги «2011–2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги Қарори бу борада муҳим дастуруламал бўлмоқда.

Мазкур йирик анжуман тадбиркорлик субъектлари ва аҳолига банк-молия тизимининг сўнгги ютуқлари ва истиқболдаги ривожланиш йўналишларини еткази-

зиш, янги технология ва хизматлар билан яқиндан таништиришда муҳим аҳамият касб этади.

Кўрғазмада мамлакатимизнинг барча тижорат банклари, лизинг берувчилар ассоциацияси, етакчи суғурта компаниялари ҳамда маҳаллий ва хорижий ахборот технологиялари компаниялари ҳам ўз махсуслотлари ва хизматлари ҳақида ҳикоя қилувчи стендлари билан иштирок этади. Шу билан бирга, бугунги кунда кичик бизнесни, хусусан, ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашда банк тизими билан кенг ҳамкорлик қилиб келаётган «Камолот» ЁИХ, Давлат солиқ қўмитаси, Савдо-саноат палатаси, «Хунарманд» уюшмаси ва бошқа бир қатор ташкилотлар ҳам қатнашмоқда.

«BankExpo-2014» бўлимларидан банклар, молия ташкилотлари, суғурта компаниялари, электрон банкинг, мобил тизимлар, пул ўтказмалари тизимлари, видеокузатув ва хавфсизликни таъминлаш мосламалари ўрин эгаллайди.

Шунингдек, кўрғазмада «Соғлом бола йили» Давлат дастурига кўра, муҳим эътибор кичик тадбиркорлик субъектлари, ёш оилалар, оилавий бизнес, ўз тадбиркорлик фаолиятини бошлаш истагида бўлган таълим муассасалари битирувчилари, уй меҳнатини энгиллаштириш мақсадига хотин-қизларга тақлиф этилаётган банк хизматлари бўйича маълумот ва маслаҳатлар беришга қаратилади.

Кўрғазма доирасида банклар томонидан чекка ва аҳоли зич жойлашган ҳудудларда фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлари, ишлаб чиқариш микрофирмалари, деҳқон ва фермерлар, ёш тадбиркорларни иш билан таъминлаш кўзда тутилган лойиҳалар бўйича ўтказиладиган танловлар қўлайлиги аниқланиб, имтиёзли кредит ажратиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилади.

Айтиш мумкин, ушбу тадбир давомида иштирокчилар ва меҳмонларнинг банк тизими ютуқлари, ривожланиш истиқболлари ҳақида ўзаро ахборот ва тажриба алмашишлари учун қўлай шароит яратилади.

Абдуалим САЛИМОВ

2014 йил — Соғлом бола йили

АЁЛЛАР ТАДБИРКОРЛИГИ ҚЎЛЛАБ- ҚУВВАТЛАНМОҚДА

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини такомиллаштириш, уларда ижтимоий маркетинг масалаларига бағишланган семинар ўтказилди.

Ушбу хотин-қизлар қўмиталари ва маҳалла фаоллари, тадбиркорлик йўналишидаги жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида жамият ҳаётининг барча соҳаларида кечаётган ислохотлар жараёнида хотин-қизлар иштирокини кучайтириш, уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш масаласига давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида алоҳида эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 25 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони аёлларни ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларни иш билан таъминлаш масалаларини ҳал этиш, тадбиркорлик фаолиятига жалб этишда муҳим дастуруламал бўлмоқда.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси оилавий, хотин-қиз-

лар тадбиркорлиги, касаначиликни ривожлантириш, қўшимча иш жойлари барпо этиш, ўз хусусий тадбиркорлигини бошлаш истагидаги хотин-қизларнинг иқтисодий, ҳуқуқий билимларини юксалтиришга оид қатор лойиҳаларни муваффақиятли амалга ошириб келмоқда. «Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида бу йўналишдаги ишлар қўлама тобора кенгаймоқда.

Мазкур дастурга мувофиқ, Тошкент шаҳри, Тошкент ва Сирдарё вилоятларидаги маҳаллаларда хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантириш бўйича ахборот, таълим ва консалтинг хизматлари кўрсатиш учун «ягона ойна» тизимини ташкил этиш асосида оилалар учун даромад олиш имкониятларини кенгайтириш юзасидан ижтимоий ёрдамнинг янги дастурларини амалга ошириш, кам таъминланган 100 оила хотин-қизларининг иқтисодий билимини янада кучайтириш режалаштирилган.

Қўмитанинг Европа Иттифоқи Институционал ривожлантириш ва ҳамкорлик дастури доирасида ҳаётга татбиқ этиётган «Эҳтиёжманд оилаларга даромад манбаларини яратишда ижтимоий ёрдам кўрсатиш имкониятларини кенгайтириш бўйича янги дастурлар» лойиҳасида айтилган мақсадлар белгиланган. Унга кўра, аёлларнинг иқтисодий салоҳиятини оширишга яқиндан қўмаклашиш, бунда маҳалла фуқаролар йиғинлари фаоллари ҳамда жамоат ташкилотлари вакилларининг билим ва салоҳиятини юксалтириш, оилавий тадбиркорлигини ривожлантиришга оид иш тажрибасини бойитишга асосий эътибор қаратилган.

Лойиҳа доирасида пойтахтимиз, Тошкент ва Сирдарё вилоятларидаги маҳаллаларда аҳолига тадбиркорлик йўналиши бўйича ахборот, таълим ва маслаҳат хизматлари кўрсатишга «Ахборот ойналари» ташкил этилади. Беш юз эллик нафарга яқин аёллар ва ёшлар тадбиркорлик фаолияти бўйича ўқув дастурларига жалб этилади. Улардан иш режалари энг мақбул деб топилган 120 нафарига бизнес-лоийҳаларни мукамал ишлаб чиқишда, кам фоизли микрокредитлар олишда ва тадбиркорлик фаолиятини бошлашда амалий қўмак берилади.

Семинарда жамоат ташкилотларини қўллаб-қувватлашга оид миллий қўмитанинг, нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан ўтказиладиган тадбирларни ташкиллаштириш, мулоқот қўнимчаларини шакллантириш, ижтимоий маркетинг олиб бориш, аёллар тадбиркорлигини ривожлантиришда замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш каби мавзуларда ўқув машғулотлар ўтказилди.

Назозат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири



Ҳар бир ота-она фарзандининг жисмонан соғлом, дунёқарашли кенг, юксак маънавий фазилатларга эга бўлиб улғайишини истади. Бунда ўйинчоқларнинг аҳамияти катта.

Пойтахтимиздаги «Map Joy Toys» масъулияти чекланган жамияти жорий йилдан миллийлик акс этган ана шундай кўғирчоқ ва ўйинчоқларни юртимиз ички бозорига чиқара бошлади.

2009 йилда иш бошлаган мазкур корхонада дастлаб олти турдаги ўйинчоқлар ишлаб чиқарилган бўлса, бугунги кунда етмиш турдаги пластик ва юмшоқ ўйинчоқлар — ўн турда машиналар, уй-рўзгор буюмлари, спорт анжомлари, турли шакл ва ҳажмдаги йиғма ўйинчоқлар тайёрланмоқда.

(ЎЗА) олган суратлар



МАЛАКАЛИ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ — АСОСИЙ ВАЗИФА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси ИИВ академиясида ички ишлар идораларига мутахассислар тайёрлашни такомиллаштириш чоралари тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг бўйруғи билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси ИИВ академиясининг сержантлар таркибини тайёрлаш бўйича олий курсларнинг таълим дастури» ҳамда «Ўзбекистон Республикаси ИИВ академияси сержантлар таркибини тайёрлаш бўйича олий курслари курслари учун иш ўрганиши (стажировка) ташкил этиш тўғрисида»ги кўрсатмаси ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академияси сержантлар таркибини тайёрлаш бўйича олий курсларнинг курсантлари Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармасининг тегишли соҳавий хизматларида амалий қўнимчалар ҳосил қилиш ва иш ўрганиш амалиётини ўтадилар.

Жумладан, шунини айтиб ўтиш ўринлики, Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси раҳбарияти томонидан Ички ишлар вазирлиги академияси сержантлар таркибини тайёрлаш бўйича олий курслари «ИИВ томонидан белгиланган бошқа йўналишдаги хизмат фаолиятлари» бўйича тахсил олаётган курсантларнинг иш ўрганишлари (стажировка) учун барча зарур шарт-шароитлар яратилган. Яъни, шахсий таркиб билан ишлаш хизмати, ташкилий инспекторлик бошқармаси, молия-иқтисод бошқармаси, Ахборот маркази, котибият, Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бўлимининг Оммавий ахборот воситалари билан алоқа қилиш бўлими, Алоқа бўлими, Патруль-пост хизмати ва Жамоат тартибини сақлаш бошқармасида иш жараёнида хизматнинг масъулиятини ҳис этадилар. Бунда ҳар бир курсантга бой амалий тажрибага эга бўлган масъул мураббийлар бириктирилди.

Бириктирилган масъул мураббийлар курсантларнинг иш ўрганиш дастурида режалаштирилган тадбирлар-

нинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини назорат қиладилар. Таълим муассасаси ва амалиёт идоралари ҳамкорлигида ўтказиладиган мазкур тадбирнинг асосий мақсади, курсантларда бирламчи иш ўрганиш қўнимчаларини шакллантириш, уларда касбий малакаларни ривожлантириш ҳамда олган назарий билимларини амалиётга татбиқ этишдан иборатдир. ИИВ академияси сержантлар таркибини тайёрлаш бўйича олий курслари ўқув бўлими бошлигининг ўринбосари майор Оқилжон Бекназоровнинг таъкидлашича, бугунги кунда асосий вазифалардан бири, малакали сержант кадрларни тайёрлаш, уларда юксак даражадаги ватанпарварлик, касбий ва ахлоқий-иродавий хислатларни шакллантириш, ўз хизмат бурчида садоқат билан ёндашишни ўргатишдир. Шунингдек, курсантларда ишчанлик қобилиятини, ахлоқий ва шахсий хислатлар, касбий маданият ва жисмоний тайёргарлик, жамоатчилик билан ишлаш қобилиятини шакллантиришдан иборатдир.

Иш ўрганиш амалиётига бириктирилган мураббийлар ва академиядан бириктирилган масъул ходимлар ҳамкорлигида хизмат соҳалари бўйича курсантларнинг кунлик баҳарган ишлари баҳолаб борилади ҳамда уларнинг ҳисоботлари қабул қилинади.

Бундан ташқари, иш ўрганиш амалиёти давомида академия бошлиғи томонидан тасдиқланган режага асосан ёшлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг келиб чиқиш себаблари ва уларнинг олдини олиш чора-тадбирларини тушунириш, шунингдек, ҳуқуқий тарбия ва маданиятни шакллантиришнинг аҳамиятини тарғиб қилиш мақсадида маҳаллалар, мактаб, коллеж ва лицейларда учрашувлар ва давра суҳбатлари ўтказиб келинмоқда.

Хусусан, Ички ишлар вазирлиги академияси сержантлар таркибини тайёрлаш бўйича олий курслари ўқув бўлими бошлигининг ўринбосари майор О.Бекназов, хизмат-жанговар ва жисмоний тайёргарлик цикли бошлигининг ўринбосари подполковник Ҳ.Худойбергеновлар бошчилигида Тошкент Ахборот технологиялари университети қошидаги Мирзо Улуғбек академик лицейида «Ёшлар орасида гиёҳвандлик воситаларининг тарқалишига қарши кураш» мавзусида давра суҳбатлари ўтказилди.

Тадбирларда Ички ишлар вазирлиги академияси сержантлар таркибини тайёрлаш бўйича олий курсларининг курсантлари Ш.Очилов, Ф.Ризаев, У.Тўхтаевлар ўз мазмуналарини билан иштирок этдилар. Суҳбат давомида ўқувчиларга «Ажал тўри» фильми намойиш этилди.

Фурқат ГАЙБУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон ИИВ академияси сержантлар таркибини тайёрлаш бўйича олий курси курсанти

Диққат: танлов!

ЙИЛНИНГ ЭНГ ФАОЛ ЁШ ЖУРНАЛИСТИ

Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокорпорацияси, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 6 февралда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш, ёшларни миллий истиқлол ғояси руҳида жисмонан соғлом, маънавий етук, дунёқарашли теран ва мустақил фикрлайдиган баркамол авлод этиб тарбиялаш, ёшларда миллий қадриятларимизни асраб-авайлаш ва мустаҳкамлаш, халқимиз менталитетига ёт бўлган турли иллатларга қарши курашиш қўнимчаларини шакллантириш, ёш журналистларнинг жамиятдаги фаоллигини ошириш, иқтидорли ёшларни кашф этиш, уларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадида оммавий ахборот воситалари ходимлари ўртасида «Йилнинг энг фаол ёш журналисти» республика танловини ўтказилади.

Танловда мамлакат оммавий ахборот воситаларида фаолият юритаётган ҳамда таҳририятлар билан яқин ҳамкорлик қилаётган 30 ёшгача бўлган журналистлар иштирок этишлари мумкин.

Танловга тақдим этиладиган ижодий ишларда Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда амалга оширилаётган ёшларга оид давлат сиёсатининг мазмун-моҳияти, ёшларни Ватанимиз, халқимиз, миллий қадриятларимизга ҳурмат ва садоқат руҳида тарбиялаш масалалари, давлатимиз томонидан ёшлар учун яратиб берилаётган имкониятлар, шарт-шароитлар кенг очиб берилган бўлиши даркор.

Танловга тақдим этиладиган материаллар 2014 йилнинг 1 ноябргача «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши (Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 11-уй) да қабул қилинади.

Танловга тақдим этиладиган ижодий ишларга қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

- муаллифнинг паспорт нусخаси;
- таҳририят ёки ўқув юртидан берилган тавсиянома;
- 4х6 ҳажмдаги 2 дона фотосурат;
- муаллифнинг боғланиш телефонлари.

Танлов голиблари махсус диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланади.

Танлов голибларига мукофотлар Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 22 йиллик байрами арафасида топширилади.

Мурожаат учун телефонлар: 170-90-27, 241-00-50

СТАТИСТИК АХБОРОТЛАР СИФАТИ ЯХШИЛАНМОҚДА

Пойтахтимизда ташкил этилган матбуот анжумани Статистик ахборотлар сифати ҳамда мазмунини янада такомиллаштириш йўналишлари ва истиқболлари мавзусига бағишланди.

Бугунги кунда республикамизда статистик ҳисобнинг илғор усулларини амалиётга кенг жорий қилиш, статистика тизими фаолияти самарадорлигини янада ошириш борасида зарур меъёрий-ҳуқуқий асослар яратилган.

Сифатли статистик маълумотларни тайёрлашни такомиллаштириш мақсадида 2013 йилда бир қатор ишлар амалга оширилди. Ахборот-коммуникация технологиялари бўлимлари кенгайтирилиб, сифатни бошқариш бўйича махсус бўлимга ташкил этилди. Статистик ахборотларни тайёрлаш ва тарқатиш назоратини тартибга солувчи ҳужжатларни тайёрлаш ишлари йўлга қўйилди.

Бугунги кунда Давлат статистика органлари томонидан статистик маълумотларнинг сифатини яхшилаш бўйича қўллаб-қувватлаш амалга оширилмоқда, — дейди Давлат статистика қўмитаси Ахборот хизмати раҳбари Аҳром Султанов. — Буни ахборот-коммуникация технологияларининг ривожлантирилиши ва унинг статистика тизимига жорий этилишида яққол кўриш мумкин. Ўтган йили Давлат статистик ҳисоботларини йиғиш тизими ишга туширилгандан буён ҳисоботларнинг 86 фоизи электрон кўринишда қабул қилинди. Жорий йилда олдимизда турган асосий вазифа бу кўрсаткични 100 фоизга етказишдир. Бу статистик маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш, фойдаланувчиларга ўз вақтида етказиб бериш, умуман олганда, маълумотлар сифатини яхшилаш ва тезкорлигига ижобий таъсир қилади. Бу борада қўмитамиз томонидан статистик ахборотларнинг ҳаққонийлиги ва сифатини ошириш, ҳисобот топширувчи субъектлар орасида профилактика ишларини кучайтириш ва барча ҳудудларда ҳисоботларни электрон шаклда тақдим этиш бўйича ўқув-семинарларни ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва интернет тармоғидан фойдаланган ҳолда 2014 йилдан бошлаб юридик шахсларни рўйхатдан ўтказиш органларида маълумотларни олишнинг янги тартиби жорий этилди.

Корхона ва ташкилотларнинг ягона давлат регистрини юритиш бўйича янги ахборот ресурсининг жорий этилиши нафақат юридик шахсларни ҳисобга олиш ва идентификациялаш, балки статистик ишланмаларнинг сифатини ошириш ва идораларо ахборот алмашувини такомиллаштириш, регистрининг очик маълумотларига барча ташқи фойдаланувчиларнинг кириш имконияти яратилди.

Тадбирда статистик ахборотларни тарқатишнинг шакл ва усулларини такомиллаштириш, мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш тўғрисидаги аниқ ва сифатли маълумотларни фойдаланувчиларга ўз вақтида етказиш борасида фикр алмашилди.

Абдували СОДИКОВ



ҲАР КУНИМИЗ НАВРЎЗ БЎЛСИН!

«Соғлом бола йили» Давлат дастурида белгиланган устувор вазифаларнинг ижросини таъминлаш, жисмонан соғлом, маънавий етук ва ҳар томонлама шаклланган баркамол авлодни миллий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш муҳим вазифалардан биридир.

ЭЗГУ МАҚСАДЛАР ВА ЯХШИЛИКЛАР ТИМСОЛИ

Пойтахтимиздаги «Саховат спорт сервис»га қарашли теннис кортида «Наврўзинг муборак, Ўзбекистоним!» шiori остида ўтказилган маънавий-маданий байрам сайли ҳам қадимий ва бетакрор, миллий ўзлигимизни англаш тисмоли бўлиши Наврўзи оламнинг мазмун-моҳиятини, аҳоли, айниқса ёшлар орасида кенг тарғиб қилиш мақсадида уюштирилди.

Юнусобод туман ҳокимлиги, Маънавият ва маърифат Кенгаши, маънавият тарғибот маркази, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, маданият ва спорт ишлари, «Камолот» ЕИХ туман бўлими, таълим муассасалари ҳамда Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг шаҳар филиали ҳамкорлигида уюштирилган сайил кўтаринки руҳда ўтди.

Тадбирнинг биринчи қисмида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тасарруфидagi табиий фанларга ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаблари, турон, айқидо, қарат, бадий гимнастика бўйича кўргазмалар чиқишлар намойиш этилди. Ёш спортчилар орасида ўтказилган спартакиада мусобақалари ғолибларини тақдирлаш маросими ҳам бўлиб ўтди.

Шунингдек, байрам доирасида ўқув муассасалари ва тумандаги 58 та маҳаллада ташкил қилинган «Ораста қизлар» тўғараги, «Баркамол авлод» иходиёт маркази туман бўлими, «Ўқтамхон», «Ифратли келин», «Саришта бегойим» номли ўқув марказлари, «Камолот» ЕИХ, татар-бошқирд миллий маданият маркази вакиллари томонидан тайёрланган кўргазмалар тадбирнинг мазмунли чиқишини таъминлаб берди.

Юнусобод дизайен ва машинасозлик касб-хунар коллежлари томонидан уюштирилган «Миллий либослар» намойиши йилгиланларда катта қизиқиш уйғотди.

«Келажақ юлдузлари» танлови совриндор «Туморча» дастасининг ҳозирбали чиқишлари, «Тумор» рақс ансамбли ижросидagi «Баҳор вальси» ва бошқа дилбар рақслар йилгиланларга хуш кайфият улашди.

Шунингдек, Ўзбек Миллий академик драма театри актёр ва актрисалари томонидан тайёрланган сахна кўринишлари, «Ўзбекнаво» эстрада бirlашмаси хонандалари, «Долана», «Элдило» гуруҳлари санъаткорлари, халқ севган хонандалардан Ғиёс Бойтоев, Малика Эгамбердиева, Абдураҳим Йўлдошевларнинг муסיқий чиқишлари байрам иштирокчиларининг оқ-қизларига сазовор бўлди.

— Қадриятларимизни қадрлашга миллий аъналаримизни эъозлашга қаратилган Наврўз юртимизнинг энг ардоқли байрамларидан бири сифатида кенг ишониланади, — дейди туман иқтисодиёт бўлими бошлиғи Хусан Тўракулов. — Туманимиз миқёсида халқ сайли тарзида ўтказилган Наврўз байрамига катта тайёрларлик қўрилди. Ҳар бир бўлим ўз фаолиятида келиб чиққан ҳолда уюшқоқлик билан ёндашди. Асосийси, халқ сайли туманимизда истиқомат қилувчи ёшув кексанинг қалбида бир олам қувонч ва шукроналик ҳиссини уйғотди.

Айни кунларда юртимизнинг ҳар бир гўшасида Наврўз тантаналари кўтаринки руҳда давом этмоқда. Бу оса азалий қадриятларимизга ҳурмат ва эҳтиромнинг бир кўринишидир. Юнусободликлар томонидан уюштирилган байрам сайли ҳам мана шундай эзгу мақсадлар йўлида хизмат қилади.

Гулчехра ДУРДИЕВА

МАҲАЛЛА БИЛАН ҲАМКОРЛИҚДА

Учтепа туманида жойлашган «Камалак» номли 341-мактабгача таълим муассасаси жамоаси баҳорий айёмни «Наврўз билан яшнасин олам!» шiori остида кутиб олди.

Тумандаги «Хуросон» маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари билан биргаликда ташкил этилган тадбирда 341-сонли мактабгача таълим муассасаси мудири Кимё Абдуллаева ҳамда маҳалла фаоллари, табаррук отахону онахонлар байрам муносабати билан барчани қизгин қўлаб, шу каби қўнча удумларимиз, миллий қадриятларимизнинг мазмун-моҳияти хусусида фикрларини билдирдилар. Жами 12 та гуруҳдаги 350 нафар тарбияланувчи ва 16 нафар тарбиячилар иштирок этган тадбирда улар ижросидаги сахна кўринишлари, куй-қўшиқ ва шеърли парчалар даврга байрамона шукҳ бағишладди.

Туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими тасарруфидagi 81-умумий ўрта таълим мактабида ўтказилган «Ўлкамга хуш келдинг, Наврўзой!» деб номланган тадбирда ҳам байрам иштирокчиларининг, айниқса, ўқувчиларнинг юзида, кўзида баҳорий кайфият сезилиб турди. Байрамона безатилган дастурхондан баҳорий тансиқ таомлар ўрин олди. Ўқувчилар томонидан қизиқарли сахна кўринишлари, лапар айтишувлари, миллий урф-одат ва аъналаримизни ўзида акс эттирган чиқишлар, халқ уйинлари намойиш этилди.

Ха, баҳор ўзгача фусункорлик билан табиатни уйғотиб, дилимизда байрамона кўтаринки кайфият, меҳр-муҳаббат, эзгулик, бунёдкорлик ва бирдамлик ҳисларини, фазилатларини мавжлантиради. Бундай аҳойиб лаҳзаларда миллати, тили, динидан қатъи назар, юртимизда яшаётган ҳар қайси инсон, ҳар қайси оила шоду хушроқлик билан баҳор соғинчи ва орзу-ниятларини, ёруғ чехрасини намоян этишга интилади. Шу файзли, шодиёна кунларда ҳар қандай гина ва аразлар, низо ва адоватлар унутилади, юртдошларимиз сумалак, ҳалим, кўк сомса каби тансиқ таомлар тортилган дастурхонлар атрофида тўпналиб, қалбини дунёга кенг очиб, Наврўз нозматлари, байрам қувончини ақинлари, ёру биродарлари билан баҳам кўришни истади.

Мана шундай қадриятларга йўғрилган байрам тантаналари, Наврўз сайли, шодиёналар юртимизнинг барча шахару кишлоқларида давом этмоқда.

Дилшод РЎЗИКУЛОВ,
ЎЗДЖТУ талабаси



ХАЙРИЯ ТАДБИРИ ЎТКАЗИЛДИ

Мамлакатимизда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишга катта эътибор қаратилмоқда.

Айниқса хайрли аъналарга бой Наврўз байрами арафасида азал-азалдан ёлғиз, кексалар, касалмандлар ҳолидан хабар олинади. Кўнгилларини кўтариб, совға-саломлар улашлади.

Айнан шу мақсадда, Мирзо Улуғбек туманидаги «Шўртепа» маҳалласида жойлашган «Кўшичир» тўйхонасида Наврўз умумхалқ байрами муносабати билан туман ҳокимлиги, Маънавият ва маърифат Кенгаши Маънавият тарғибот марказининг туман бўлими ва бошқа ҳамкор ташкилотлар томонидан тумандаги имконияти чекланган шахслар иштирокида «Наврўз айёминг муборак, мустақил Ўзбекистоним»

деб номланган хайрия тадбири ўтказилди.

Тадбирда элимиз суйган актёр ва актрисалар, хушовоз хонандалар, шоир ва ёзувчилар Ватанини мадҳ этувчи шеър ва қўшиқлари билан иштирок этиб байрам файзига фойда қўшди. «Камалак юлдузлари» фестивали қатнашчилари ҳам ўзларининг рақс ва ашуллари билан байрам иштирокчиларига янада кўтаринки кайфият бағишладди.

Тадбир давомида ташкилотчилар томонидан туманда истиқомат қилувчи имконияти чекланган шахсларга эсдалик совғалари топширилди.

Зафар НАЗАРОВ

ХАЙРЛИ АЪНАЛАР ДАВОМ ЭТАДИ

Сергели туманидаги Ал-Фарғоний маҳалла фуқаролар йиғинида «Ҳар кунимиз Наврўз бўлсин!» мавзусида тадбир ташкил этилди. Тадбир доирасида хайрли ишга қўл урилди — маҳаллада истиқомат қиладиган ижтимоий ҳимояга муҳтож боланинг суннат тўйи ҳам ўтказилди.

— Маҳаллада турли миллат вакиллари аҳил ва иноқликда истиқомат қилишди, — дейди Ал-Фарғоний маҳалласи фаоли Баҳодир Қурбонов. — Жумладан, «Соғлом бола йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш юзасидан қўлаб ишлар амалга оширилмоқда. Наврўз умумхалқ байрами арафасида болалар майдончаси болажонларимизга туҳфа сифатида топширилди. Бундан ташқари кекса ва ёши улугларнинг маданий дам олишлари учун Нуронийлар жамоат маркази очилди. Бу марказда, уларга, хизмат, кўрсатиш билан, бирга, шахмат-шашка уйнашлари мумкин; мамлакатимизда рўй бераётган ўзгаришлардан бохабар бўлишлари учун турли газеталар мавжуд ва бошқа қўлаб қўлайликлар яратилган.

Бундан ташқари маҳалла аҳолисига қўлайлик туғдириш мақсадида кишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларидан иборат савдо шохбосчаси ташкил этилди. Мазкур маҳаллада аҳоли сони 8450 нафарни ташкил этади. Маҳаллада ўсиб-ўлғаяётган ёш авлодининг янада баркамол, соғлом бўлиши учун 4 та мактабгача таълим муассасаси, 2 та умумтаълим мактаби, битта касб-хунар коллежи, «Кўёш-ли шаҳарча» деб номланган спорт-соғломлаштириш мажмуаси фаолият юритмоқда. Наврўз байрами арафасида маҳалла аҳолиси ободонлаштириш, қўламлиқдорлаштириш ишларига алоҳида ургу берди. Бундан ташқари ҳар шанба ва ақшанба кунлари маҳалла ҳудудида ободонлаштириш ҳаёратлари ўтказилади.

Тадбир давомида маҳалладаги ёши катта, нуроний онахон-отахонлар, маҳалла фаолларига байрам дастурхони ёзилди. Бир-биридан дилбар куй-қўшиқлар барчага манзур бўлди.

Зарина РУСТАМОВА

Ёшлар — келажагимиз

ЗАМОНАВИЙ БИНОДА БИЛИМ ОЛАДИЛАР

Мамлакатимизда таълим ва ўқитиш тизимини ривожлантириш, хусусан, олий таълим соҳасини янада такомиллаштириш, уни ҳар томонлама жаҳон стандартларига мослаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Олий ўқув юртиларида ўқитиш тизимини модернизациялаш, илмий салоҳиятни юксалтириш, инновацион таълим ва ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ этиш борасида салмоқли ишлар олиб боришмоқда.

Жумладан, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети биология-тупроқшунослик факультетининг янгидан таъмирланган ўқув биноси фойдаланишга топширилди. Шу муносабат билан мазкур факультетда тадбир ташкил этилди.

Замонавий қурилиш технологиялари асосида таъмирланган факультет ўқув биносининг очилиш маросимида университет раҳбарияти, Ўзбекистон Фанлар академияси илмий-тадқиқот институти вакиллари, факультет жамоаси ва талабалар иштирок этишди.

Тадбирда сўзга чиққан юртимизда ёшларнинг билим олишлари учун кенг имкониятлар яратилаётганлиги, хусусан, биология ва тупроқшунослик соҳасида глобал аҳамиятга эга илмий изланишлар, ҳамкорлик тадқиқотларини олиб бориш учун яратилаётган шарт-шароитлар мазкур фан ривожига муҳим аҳамият касб этишини таъкидлаб ўтдилар.

Биология-тупроқшунослик факультетининг янги таъмирдан чиққан биносининг ўқув ва лингафон хоналари, ахборот-ресурс маркази замонавий жиҳозлар ҳамда сўнгги русумдаги компьютерлар билан таъминланган.

Эндиликда замонавий ўқув хоналари ва лабораторияларида юздан ортик профессор-ўқитувчилар 700 нафар бакалавр ва 162 нафар магистр сабоқ беришади. Шу билан бирга еттига ихтисослик бўйича 12 нафар катта илмий изланувчилар ўз билим ва малакаларини оширадilar.

Шунингдек, мазкур факультет қошида кенгайтирилган «Биология боғи», Агроэкобиотехнология маркази ҳамда Ген муҳандислигининг замонавий услублари мажмуаси барпо этилди. Ушбу мажмуаларда талабалар ва илмий изланувчилар ўз билим ва таҳрибаларини ошириш ҳамда илмий-тадқиқот ишларини олиб боришлари мумкин.

(Ўз мухбиримиз)

Анжуманлар

БАРКАМОЛ АВЛОД ТАРБИЯСИ ЙЎЛИДА

Ёшларни турли маънавий хуружлардан асраш, мамлакатимизнинг истиқболли келажагини таъминлаш ва баркамол авлодни вояга етказиш бугунги куннинг энг асосий вазифаларидан биридир.

Тошкент Темир йўл муҳандислари институтида бўлиб ўтган давра суҳбатига ҳам шу хусусда сўз борди. Тадбир мазкур ўқув муассасаси ва Ўзбекистон Кизил Ярим Ой жамияти темир йўл минтақавий ташкилоти маънавият ва маърифат бўлими ҳамкорлигида ташкил қилинди.

Тадбирда сўзга чиққан Республика «Алла» маркази раҳбари Мунаввара Ёқуббекова, ЎҚОЖ минтақавий ташкилоти етакчи мутахассиси Феруза Ориповалар Президентимиз раҳнамолигида ёшларни эзгу ғояларимизга садоқат тисмоли билан қараш, қадриятларимизни қадрлаш ва урф-одатларимизга ҳурмат ва эҳтиром руҳида тарбиялаш, талаба-ёшларни ана шу эзгуликларга ёндашган ҳолда камолга етказиш хусусида ўзларининг қизиқарли фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Шунингдек, ёшларнинг турли маънавий таҳдидлардан ҳимояланишида ва миллат равақида миллий қадриятларнинг ўрни бекиёслиги таъкидлаб ўтилди, маънавий-маърифий соҳаларда институт миқёсида олиб борилаётган ишлар хусусида фикр юритилди.

— Ўтган йиллар мобайнида маданий-маънавий меросимиз ўзимизга қайтиб, қадимий ва кўнча урф-одатларимиз қайта тикланди, — дейди Тошкент Темир йўл муҳандислари институтининг маънавий-маърифий ишлар бўйича проректори Ботир Зокиров. — Истиқбол йиллари юртимиз учун чинакам маънавий тикланиш ва юксалиш даври бўлди. Бу бугунги кунда жаҳон ҳамжамияти томонидан ҳам эътироф этилмоқда. Жуда қўлаб маънавият ва маърифат, маданият, санъат, таълим, фан масканлари, ахборот-ресурс марказлари барпо этилди ва улар энг замонавий анжумалар билан жиҳозланди. Айни пайтда бу борада кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

Ўқув муассасамиз миқёсида бундай тадбирларнинг ўтказилишидан кўзланган мақсад, ёшларимизнинг онгини заҳарлаб, маънавий жиҳатдан қарам этишга қаратилган мафкуравий ҳаракатларга қарши самарали кураш олиб бориш ҳамда, соғлом дунёқараш асосларини янада мустаҳкамлашдан иборатдир.

Тадбирда талабаларнинг мафкуравий иммунитетини кучайтириш, маънавий хуружларга қарши тарғибот ишларини олиб боришда бундай тадбирларнинг ўрни бекиёс эканлиги таъкидланди.

Гулнор САТТОРОВА

Жамиятнинг асосий бўғини бўлиши оила тинчлиги, фаровонлиги ҳамда мустақамлиги муайян ижтимоий аҳамият ҳам касб этади. Оиланинг тинчлиги ва хотиржамлигида аввало икки комил инсоннинг ақл-заковати, кенг тафаккури, маънавий дунёсининг бойлиги ва қолаверса, моддий таъминотнинг етарлилиги муҳим ўрин тутати.

Жаннатмакон юртимизнинг янада равақ топишида, фаровонлиги ошиши ва юксалишида оилалар асосий восита бўлиб хизмат қилади. Айниқса, ижтимоий муҳофазага муҳтож оилаларни ҳар томонлама қўлаб-қувватлаш бугунги куннинг асосий вазифаларидан биридир.

Бектемир туманида фаолият юритаётган 12 та фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг оила институти янада ривожлантириш, айниқса, ёш оилаларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий, иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда уларни қўлаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган ишларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришда катта ўрни бор.

Бугунги кунда эҳтиёжманд оилаларнинг муаммоларини ҳал этиш борасида давлатимиз томонидан ғам-хўрлик янада кучайтирилди. Бундай оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш ва фарзандларини тарбиялашда ижтимоий жиҳатдан қўлаб-қувватлаш, муносиб ижтимоий-маиший шароитлар яратишга кенг йўл очиб берилди. Хусусан, Тошкент шаҳар ҳокимининг 2013 йил 18 январдаги «Тошкент шаҳар ва туман хотин-қизлар кўмиталарини қўлаб-қувватлаш ҳамда оилаларни мустаҳкамлаш, улардаги ижтимоий-иқтисодий ва маънавий муҳитни янада яхшилаш борасидаги вазифалар тўғрисида»ги қарори ҳамда Бектемир туман ҳокимининг жорий йил 18 февралдаги қарорида белгиланган вазифаларнинг бажарилишини таъминлаш мақсадида тумандаги ўн иккита маҳаллада Жамоатчилик кенгаши қошида ишчи гуруҳлари тузилди. Масъуллар барча маҳаллаларга бириктирилди.

Маҳаллаларда фаолият юритаётган Жамоатчилик кенгаши аъзолари томонидан биринчи навбатда, эҳтиёжманд оилаларга кириш, хотин-қизларга муносиб маиший шароитларни яратиш, улар ўртасида жиниятчилик, оилавий ажримлар, одам савдоси қўрбони бўлишининг олдини олиш, саломатликларини тиклаш, таълим сифатини ошириш, ишсизларни иш билан таъминлаш мақсадида тушунтириш ишлари олиб боришмоқда.

Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш мақсадида тумандаги ўзини ўзи бошқариш органлари орқали ақса-ёлғиз, бекувечсини йўқотган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларни моддий жиҳатдан қўлаб-қувватлаш, уларга ҳомийлар бириктириш масалаларига катта эътибор қаратилиб, уларга давлат ташкилотлари ва ҳомийлар ҳисобидан моддий ёрдам қўрсатиб келинмоқда.

ОИЛАЛАРНИНГ ИЖТимоий МУҲОФАЗАСИ — ДОЛЗАРБ МАСАЛА

ҳомийларни жалб этган ҳолда моддий ёрдамлар кўрсатилади.

Академик лицей ва касб-хунар коллежларининг ижтимоий кўмакка муҳтож бўлган ўқувчиларини қўлаб-қувватлаш мақсадида январь-март ойлари давомида бир неча ўсимирга ойлик йўл чипталари ажратилди. Ушбу мақсадда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди томонидан шундай оила фарзандларига жами 550 минг сўмлик ойлик йўл чипталари харид қилиб олиб берилди.

Бектемир туман хотин-қизлар кўмитаси, маҳаллалардаги бошланғич хотин-қизлар ташкилотлари раислари, маҳалла, меҳнат нозирлари билан ҳамкорликда ўз ҳудудларида меҳнат билан банд бўлмаган аҳоли, вақтинчалик ишсиз хотин-қизлар ва ёшлар, жазо муддатини ўтаб қайтганлар билан амалий ишлар олиб бормоқда.

Якка тартибдаги тадбиркорлиқни ривожлантириш мақсадида тумандаги 12 та маҳаллада алоҳида режа асосида хотин-қизлар кўмитаси томонидан, Миллий банкнинг Бектемир туман бўлими билан ҳамкорликда тадбиркорлик билан шугулланишни истаётган хотин-қизлар иштирокида давра суҳбатлари уюштирилмоқда. Учрашувларда меҳнатга оид қонун ҳужжатларида аёллар учун назарда тутилган кафолатлар тўғрисида, аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш, касаначилик асосида уй меҳнатини ташкил қилиш ҳақида тушунчалар берилмоқда.

Хотин-қизларни иш билан таъминлаш ҳамда вақтинча ишсиз аёлларни ижтимоий ҳимоялаш мақсадида бандлик бўлими билан бирга «Меҳнат ярмаркалари» ташкил этиб келинмоқда.

Туман хотин-қизлар кўмитаси қошида очилган «Оила» маркази томонидан уйда ўтирган хотин-қизларни иш билан таъминлаш борасида тижувчилик ҳеҳи ишга туширилиб, касаначилик асосида 15 та иш ўринлари яратилди.

«Соғлом бола йили» туман Худудий дастурининг ижроси юзасидан фарзандларимизнинг спорт билан шугулланиши, соғлом турмуш тарзига амал қилишини таъминлаш мақсадида январь-март ойлари давомида ўқув муассасалари ўртасида «Спорт ёшлар ҳафтида соғлом турмуш манбаи» шiori остида спорт мусобақалари ўтказилди. Мусобақаларда қатнашган ва ғолибликни қўлга киритганларга эсдалик ва қимматбаҳо совғалар топширилди. Республика телевидение ва радио касб-хунар коллежсининг ўқувчи-қизлари ҳамда педагог аёллари ўртасида ўтказилган спорт мусобақалари ва Гимнастрада турнири шулар жумласидандир.

Маҳаллаларда ўтказилаётган «Оила муқаддас қўрғон, аёл унинг қиройи», «Энг билимли ва намунали келин», «Маҳалланинг энг қаҳқон қизи», «Спортчи оила» кўрик-тановолари ҳам аҳолини соғлом турмуш тарзига жалб этиш борасида ўзига хос ўрин тутмоқда.

И.М.Губкин номли Россия давлат нефть ва газ университети қошидаги ихтисослашган академик лицейи ўқувчилари ҳамда педагоглари ўртасида ҳам юқоридаги каби мусобақалар бўлиб ўтди.

Туман хотин-қизлар кўмитаси, «Камолот» ЕИХ туман бўлими билан ҳамкорлигида 293-мактабда воғга етмаган болалар ўртасида ҳам спорт мусобақалари ташкил этилди. Тадбирлар «Нихол» Болалар спорт мажмуасида МТМ тарбияланувчилари ўртасида «Соғломжон-полновон» шiori остида, «Бектемир» болалар спорт мажмуасида «Соғлом оила» мавзусида маҳаллалардаги оилалар ўртасида ўтказилди.

Дарҳақиқат, Президентимиз раҳнамолигида мустақил юртимизнинг ҳар бир гўшасида олиб борилаётган ҳар қандай ишлар неғизда юртимиз тинчлиги, оилаларнинг хотиржамлиги, аҳиллиги, ёшларимизнинг бахту камоли, обод ва озод Ватанимизнинг равақи ва янада юксалиши каби эзгу ниятлар мужассам.

Зиёда ТОХИРОВА,
Бектемир туман хотин-қизлар кўмитаси раиси

